

«Янги Ўзбекистон ва янгича дунёқарааш» мавзусидаги тадбир

Худди шу ном остида ташкил этилаётган тадбирлар шакл ва мазмун жиҳатидан ўзига хослик касб этмоқда. Ўрта Чирчик туманидаги З - умумий ўрта таълим мактабида 12 ноябрь куни ўтказилган тадбир ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Унда ТИҚҲММИ, «Физика ва кимё» кафедраси профессор ўқитувчилари, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани Қорасув маҳалласи ходимлари, туман маданияти масъуллари, маҳалла фаоллари, маҳалла Нуроний жамияти ходимлари, маҳалла аҳолиси иштирок этишди.



Маърифий тадбир "Физика ва кимё" кафедраси доценти С. Ходжибеков томонидан очиб берилди. Тадбир давомида туман, маҳалла фаолллари ва З мактаб ўқувчилари иштирокида бадиий кўринишлар, чиқишилар қилинди.



Тадбир якунида Нуроний жамияти томонидан маҳалланинг намунали оиласларига совғалар тақдим қилинди. Кафедра доценти А. Ахмедов томонидан айтилган Ватанга муҳаббат, садоқат мавзусидаги қўшиқлар барчага, она Ватанга мустақил Ўзбекистонга бўлган муҳаббатини янада оширди. Маҳалла аҳолиси томонидан шундай тадбирлар сонини кўпайтириш таклифи берилди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати